

**ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ САНОАТИДА  
ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ОЛИБ БОРИШНИНГ  
ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**  
**Отабек Давронович МИРЗАЕВ**

Катта ўқитувчи

Андижон иқтисодиёт ва қурилиш институти

Андижон, Ўзбекистон

**Аннотация**

Ушбу мақолада Ўзбекистон автомобиль саноатида трансформациялаш жараёнларининг шарт-шароитлари ўрганилган. Хусусан, республика автомобиль тармоғининг саноатдаги улуши, автомобиль саноатининг ривожланиш кўрсаткичлари таҳлил қилинган, шунингдек республика автомобиль саноатини трансформациялашга оид қабул қилинган хукумат қарорлари ва амалга оширилган давлат дастурлари ўрганиб чиқилган. Ўрганиш натижасида, автомобиль саноатини трансформациялашнинг ўзига хос жиҳатлари аниқланган.

**Таянч сўзлар:** автомобиль саноати, саноат корхоналари, трансформациялаш жараёнлари, автомобиль саноатини трансформациялаш.

**УСЛОВИЯ И ОСОБЕННОСТИ ПРОВЕДЕНИЯ  
ТРАНСФОРМАЦИОННЫХ ПРОЦЕССОВ В АВТОМОБИЛЬНОЙ  
ПРОМЫШЛЕННОСТИ УЗБЕКИСТАНА**

**Отабек Давронович МИРЗАЕВ**

Старший преподаватель

Андижанский институт экономики и строительства

Андижан, Узбекистан

**Аннотация**


В данной статье рассматриваются предпосылки трансформационных процессов в автомобильной промышленности Узбекистана. В частности, проанализированы доля автомобильной отрасли республики в составе промышленности, показатели развития автомобильной промышленности, а также изучены принятые правительственные решения и реализуемые государственные программы по трансформации автомобильной промышленности республики. В результате исследования выявлены основные специфические аспекты трансформации автомобильной промышленности.

**Ключевые слова:** автомобильная промышленность, промышленные предприятия, трансформационные процессы, трансформация автомобильной промышленности.

Ўзбекистонда автомобиль саноати миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатимизда автомобиль саноатининг ташкил топганига 28 йил бўлиб, ушбу даврда ишлаб чиқарилган

автомобиллар нафақат МДХ мамлакатларига, балки айрим Европа ва Осиё давлатлариға ҳам етказилди. Ҳозирда Ўзбекистон автомобиль ишлаб чиқариш ҳажми бўйича Марказий Осиёда етакчи ўринда бўлса, МДХ давлатлари орасида Россия Федерациясидан кейин 2-ўринни эгаллаб турибди.

Автомобиль саноати, шунингдек, республика саноати таркибида ҳам салмоқли ўрини эгаллайди. Хусусан, 2022 йил учун автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқаришнинг саноатдаги таркиби 11,2% ни ташкил қилиб, республикада ушбу тармоқ металургия ва тўқимачилик саноатларидан кейин учинчи ўринни эгаллайди. Қуйидаги расмий статистика маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган (1-расм).



**1-расм. Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқаришнинг саноатдаги улуши, 2022 йилда, фоизда**

Ўзбекистон автомобильсозлиги мамлакатимиз иқтисодиётининг жадал ривожланаётган тармоқларидан бири бўлиб, мамлакат экспорт салоҳиятининг намунаси ва республика ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантиришда мухим жихат ҳисобланади. Автомобиль саноатини ривожланиш кўрсаткичлари ушбу тармоқнинг қанчалик тараққий этиб бораётганлигидан далолат беради. Қуйидаги жадвал расмий статистика маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган (1-жадвал).

### **1-жадвал**

#### **Ўзбекистонда автомобиль саноатининг ривожланиш кўрсаткичлари**

№	Кўрсаткичлар	2018	2019	2020	2021	2022
---	--------------	------	------	------	------	------

1.	Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш ҳажми, млрд сўм				32 167,6	51 196,2
2.	“Ўзавтосаноат” АЖ таркибидаги корхоналарида ишлаб чиқариш ҳажми, млрд сўм	26 821	33 534	34 052	31 185	49 480
3.	Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати, %	172,5	122,0	95,8	89,1	144,5
4.	Транспорт воситалари ва уларга эхтиёт қисмлар экспорти, млн. долл.	84,7	197,3	233,4	443,4	560,6
5.	Ш.ж. енгил автомобиллар экспорти, млн. долл.	29,3	121,5	170,7	281,8	7,6
6.	Транспорт воситалари ва уларга эхтиёт қисмлар экспортининг суръати, %	43,6	232,9	118,3	190,0	126,4
	Асосий ишлаб чиқариш маҳсулот турлари:					
8.	Енги автомобиллар, минг дона	949	1 534	642	1 002	1 357
9.	Автобуслар, дона	949	1 534	642	1 002	1 357
10.	Юк автомобиллари, дона	4 237	5 320	4 163	4 462	4 094
11.	Асосий ишлаб чиқариш маҳсулотнинг ўсиш суръати, %	191,1	131,5	96,0	85,9	144,8

Ҳозирги кунда, Ўзбекистон автомобиль саноатининг асосий ишлаб чиқарувчи корхоналари бўлиб “UzAuto Motors” АЖ (шу жумладан, Хоразм вилоятидаги филиали), “SamAvto” МЧЖ, “UzAuto Motors Powertrain” АЖ ва “Jizzax avtomobil zavodi” МЖЧ ҳисобланади. Ушбу ва бошқа корхоналар “Ўзавтосаноат” АЖ таркибида фаолият юритиб, ушбу ташкилот автомобилсозлик корхоналари ҳамда автомобилларни маҳаллийлаштириш ва автокомпонентлар ишлаб чиқариш корхоналарини мувофиқлаштирувчи холдинг типидаги акциядорлик жамияти ҳисобланади.

Сўнгги йилларда республикамизда автомобильсозлик саноатини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини белгилаш, мамлакатда автомобиль транспорти соҳасидаги давлат бошқаруви ва автосаноат ривожини янги босқичга кўтариш, тизимни тубдан такомиллаштириш, тизимда корпоратив бошқарувни ривожлантириш, автомобильсозлик саноатини стратегик ривожлантиришга қаратилган трансформация жараёнлари амалга оширилмоқда.

Автомобиль саноатида трансформациялаш жараёнларини олиб

боришининг дастлабки шарт-шароити бўлиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 июндаги ПҚ-3028-сон “2017-2021 йилларда автомобиль саноатини жадал ривожлантириш ва бошқарувини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори [2] ҳисобланади. Мазкур қарорга мувофиқ, автомобиль саноатини трансформация қилишнинг куйидаги асосий жиҳатлари белгиланди:

- маҳсулотларнинг янги замонавий турлари ва маркаларини ўзлаштиришга йўналтирилган инвестиция лойиҳаларини хорижий инвесторларни жалб этган ҳолда, амалга ошириш ҳисобига ташқи ва ички бозорларда рақобатдош автомобиль маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширишни таъминлаш;
- ташқи бозорларни ва экспорт қилинаётган маҳсулотларни янада диверсификация қилиш, ташқи бозорлардаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш;
- бутловчи буюмлар ва узеллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш, автомобильсозликни ривожлантириш учун зарур бўлган базавий хом ашё ва материаллар ишлаб чиқаришни ўзлаштириши ва унинг ҳажмини кўпайтириш бўйича тармоқлараро кооперация алоқаларини кенгайтириш ҳисобига импортнинг улушини қисқартириш ва маҳсулотлар таннархини пасайтириш;
- ташқи бозорларда қаттиқ рақобат муҳити ва валюта сиёсатини либерализация қилиш шароитида тармоқнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, «Ўзавтосаноат» АЖ ташкилотлари рентабеллигини ошириш ва уларни молиявий қўллаб-қувватлашни кучайтириш;
- халқаро замонавий стандартларни жорий этиш йўли билан «Ўзавтосаноат» АЖ ташкилотларини корпоратив бошқарувини такомиллаштириш;
- тармоқнинг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, «Ўзавтосаноат» АЖнинг ишлаб чиқариш ташкилотлари билан олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ҳамда илмий муассасалар ўртасидаги кооперацияни кучайтириш,

соҳага ёш ва иқтидорли мутахассисларни жалб қилиш;

- Пскент автомобиль полигони автомобилларни тажрибадан ўтказиш худудий базасини ташкил этиш учун «Ўзавтосаноат» АЖнинг устав жамғармасига давлат улуши сифатида ўтказилди;

- автотранспорт воситалари ва техникасининг янги моделларини ўзлаштириш бўйича 7 та инвестиция лойиҳалари тасдиқланди;

- «Ўзавтосаноат» АЖ ташкилотларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича 9 та инвестиция лойиҳалари тасдиқланди;

- автокомпонентлар ва базавий материалларни локализация қилиш бўйича 35 та инвестиция лойиҳалари тасдиқланди.

Кейинги йилларда автомобиль саноатини жадал ривожлантириш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини оширишни таъминлаш, илғор халқаро тажриба асосида замонавий бозор механизмлари ва бошқарув усулларини жорий қилиш ҳам автомобиль саноатида трансформация жараёнларининг кейинги босқичи бўлиб ҳисобланди. Шу мақсадда, 2019 йил 18 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4397-сон “Ўзбекистон Республикаси автомобиль саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори [3] қабул қилиниб, унга мувофиқ, автомобиль саноатини кейинги босқичда трансформация қилишнинг қуйидаги асосий жиҳатлари белгиланди:

- корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини, шунингдек, «ERP» автоматлаштирилган ҳисобга олиш тизимини жорий этиш;

- аҳолининг кенг қатламлари учун ҳамёнбоп бўлган енгил автомобильнинг янги замонавий модели ишлаб чиқарилишини назарда тутган ҳолда автомобилларнинг моделлар қаторини янгилаш;

- «Ўзавтосаноат» АЖ таркибига кирувчи акциядорлик жамиятлари акцияларини маҳаллий ва халқаро фонд бозорларида бирламчи оммавий жойлаштириш (IPO) орқали инвесторларни жалб этиш;

- ишлаб чиқарилган янги автотранспорт воситаларини сотадиган расмий дилерлик ташкилотига харидорлар томонидан илгари фойдаланилган ўзларига

тегишли автотранспорт воситаларини топшириш ҳамда улар қийматидаги фарқни тўлаш орқали маҳаллий автомобилларнинг янгисини харид қилиш имконини берувчи «TRADE-IN» дастури татбиқ этиш;

- автомобиль саноати корхоналарининг асосий фаолият тури билан боғлик бўлмаган, электрон савдо майдончалари орқали сотиладиган активлари рўйхати тасдиқланди;

- 2019-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси автомобиль саноатини янада ривожлантириш бўйича “Йўл ҳаритаси” тасдиқланди ва унда автомобиль саноатининг экспорт салоҳиятини ошириш, автомобиль саноатини норматив ва техник жиҳатдан тартибга солишни такомиллаштириш, автомобиль саноатининг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, автомобиль саноатининг кадрлар салоҳиятини ривожлантириш, молиявий барқарорликни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар белгиланди;

- «Ўзавтосаноат» АЖнинг 2019-2022 йилларда амалга ошириладиган 16 та инвестиция лойиҳалари тасдиқланди.

Сўнгти йилларда автомобиль саноатида трансформация жараёнларини олиб бориш давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилиш ва давлат активларини хусусийлаштириш жараёнлари билан боғлик бўлди. Шунга биноан, давлат иштирокидаги корхоналарда замонавий бошқарув усуллари, очиқлик, шаффоффлик ва бозор тамойилларини жадал жорий этиш, таннархни пасайтириш орқали даромадларни ошириш, иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва рақобат муҳитини янада яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096-сон “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида” Фармони [1] қабул қилинди.

Мазкур фармонга мувофиқ, “Ўзавтосаноат” АЖ трансформация қилинадиган йирик давлат корхоналари ва хўжалик бирлашмалари рўйхатига киритилди. Шунингдек, қуйидагилар нафақат автомобиль саноати

корхоналарини, балки бошқа тармоқ корхоналарини трансформация қилишнинг жиҳатлари сифатида қайд этилди:

- Молия вазирлиги марказий аппарати тузилмасида Давлат иштирокидаги йирик корхоналарни трансформация қилиш департаменти ташкил этилиб, унга қуидаги каби вазифалар белгиланди:

молиявий ҳисоботларни халқаро молиявий ҳисоботлар стандартлари (IFRS) асосида тайёрлаш ҳамда халқаро кредит рейтингларини олиш;

молиявий соғломлаштириш, операцион самарадорликни ошириш ҳамда ўрта ва узоқ муддатли ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиш;

харидлар ва бошқарув тизимларини аудитдан ўтказиш ҳамда «мувофиқлик тизими» (комплаенс) ва коррупцияга қарши хизматларни шакллантиришни назарда тутадиган замонавий корпоратив бошқарув тизимини жорий этиш;

кузатув кенгашларига ва корхоналар бошқарувига халқаро танлов асосида чет эллик соҳа мутахассисларини фаол жалб этиш;

- корхоналарни трансформация қилиш жараёнлари билан биргалиқда улар фаолият юритадиган соҳада бозор муносабатлари тамойилларига тўлиқ ўтиш, рақобат муҳитини шакллантириш ҳамда хусусий секторни жалб қилиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

Шундай қилиб, юқорида Ўзбекистон автомобиль саноатида трансформациялаш жараёнларини олиб боришининг шарт-шароитларини ўрганиш бизга Ўзбекистон автомобиль саноатида трансформациялашнинг қуидаги асосий ўзига хос жиҳатларни аниқлашга имкон берди:

*биринчидан*, автомобиль саноатида трансформация жараёнлари муайян ҳукумат қарорлари, дастурлари ва “йўл хариталар”ни қабул қилиш асосида амалга оширилади;

*иккинчидан*, автомобиль саноатида трансформация жараёнлари тармоқда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш орқали корхоналар инвестициявий жозибадорлигини ошириш, хорижий инвесторларни, шу жумладан IPO орқали жалб қилиш, автомобиль саноати корхоналари

корпоратив бошқарувини такомиллаштириш, тармоқнинг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, тармоқ корхоналарида рақамли технологияларни жорий қилишга қаратилган;

*учинчидан*, автомобиль саноати корхоналарини трансформация қилишда Молия вазирлигининг Давлат иштирокидаги йирик корхоналарни трансформация қилиш департаментини ташкил этиш ва унинг вазифаларини белгилаш асос бўлиб хизмат қиласди;

*тўртинчидан*, автомобиль саноати корхоналарини трансформация қилишнинг ҳозирги босқичдаги асосий йўналишлари бўлиб корхоналарда халқаро молиявий ҳисбот стандартларини жорий қилиш, ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиш, замонавий корпоратив бошқарув тизимини жорий этиш, корхоналар бошқарувига чет эллик соҳа мутахассисларини фаол жалб этиш ҳисобланади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 октябр ПФ-6096-сон Фармони. [WWW.Lex.uz](http://WWW.Lex.uz)
2. 2017-2021 йилларда автомобиль саноатини жадал ривожлантириш ва бошқарувини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 июн ПҚ-3028-сон Қарори. [WWW.Lex.uz](http://WWW.Lex.uz)
3. Ўзбекистон Республикаси автомобиль саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 июл ПҚ-4397-сон Қарори. [WWW.Lex.uz](http://WWW.Lex.uz)